

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 30.08.2018.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАНИЁЗОВ МАНСУРБЕК ШОМУРОТОВИЧ

***BOMBYX MORI L.* ТУТ ИПАК ҚУРТНИНГ ТАКРОРИЙ БОҚИШ
УЧУН НАСЛИ УРУҒЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА САҚЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Жуманиёзов Мансурбек Шомуротович

Bombyx mori L. тут ипак куртининг такрорий боқиш учун насли уруғларини тайёрлаш ва сақлаш технологиясини такомиллаштириш. 3

Жуманиёзов Мансурбек Шомуротович

Совершенствование технологии приготовления и хранения племенной грены для повторных выкормок тутового шелкопряда *Bombyx mori L.* 23

Jumaniyozov Mansurbek Shomurotovich

Developing technology of pure-strain silkworm eggs preparing and keeping for repeated rearing procedure of silkworm *Bombyx mori L.* 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 30.08.2018.Qx.13.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЖУМАНИЁЗОВ МАНСУРБЕК ШОМУРОТОВИЧ

***BOMBUX MORI L.* ТУТ ИПАК ҚУРТНИНГ ТАКРОРИЙ БОҚИШ
УЧУН НАСЛИ УРУҒЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА САҚЛАШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.02.04 - Ипакчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Qx253 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ипакчилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Шавкат Рамазанович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Якубов Аҳматжон Бакиевич

биология фанлари доктори, профессор

Наврұзов Собир

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Qx.13.02 – рақамли Илмий кенгашнинг 2019 «12» 04 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№537929 рақами билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2019 йил «30» 03 куни тарқатилди.
(2019 йил «28» февралдаги 6 рақамли реестр баённомаси)

Қ.Ж.Шакиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, в.в.б., к.х.ф.д.

У.Т.Данияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., доцент

М.И.Аширов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича 850-860 минг тонна пилла хомашёси тайёрланмоқда. «...ипакчилик соҳаси ривожланган 20 дан зиёд давлатларда тут ипак куртининг суперэлита, элита ва саноатбоп тухумлари тайёрланади ва ишлаб чиқиладиган ипак курти тухумларининг 80,1 фоизи Хитой Халқ Республикаси, 12,6 фоизи Ҳиндистон, 1,3 фоизи Ўзбекистон ва 6,0 фоизи бошқа давлатлар улушига тўғри келади»¹. Ипакчилик соҳасида етакчи ҳисобланган Хитой Халқ Республикасида 200,7 минг қути, Ҳиндистонда 32,6 минг қути ва Ўзбекистонда 7-8 минг қути суперэлита ва элита тут ипак курти тухумлари тайёрланади.

Дунё миқёсида ёз ва куз мавсумлари учун такрорий тут ипак курти парваришлашнинг янги интенсив технология ва услубиётларини асослашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ипак куртини ёз ва куз мавсумларига мослашган сермахсул зот ва дурагайларини яратиш, ноқулай паратипик омиллар таъсирини компенсациялаш, турли антисептиклардан насли қуртларни парваришлашда фойдаланиш бўйича муайян натижаларга эришилган ҳамда пиллачилик амалиётига кенг жорий этилган. Ёз ва куз мавсумларида такрорий қурт боқишга чидамли янги моновольтин зотлар иштирокида насли дурагайларни яратиш, такрорий қурт боқиш мавсуми учун уруғларни сақлашнинг оптимал муддатларини аниқлаш, генотипларни репродуктив ва пилла маҳсулдорлик белгилари бўйича генетик потенциалини тўлиқ намоён этиш имконини берувчи самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий муаммолардан ҳисобланади.

Республикамизнинг ёз ва куз мавсумларида такрорий қурт боқишга чидамли ипак курти дурагайларини яратиш бўйича бир қатор муайян натижаларга эришилмоқда. Аммо такрорий ипак курти ёз ва куз мавсумларининг кескин ўзгарувчан, ноқулай табиий иқлим шароитида парваришлашга мос зот яратиш, пилла ҳосилини оширувчи агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, пилланинг маҳсулдорлик ҳамда технологик кўрсаткичларини ошириш борасидаги илмий тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини хусусан, пиллачилик тармоғини ривожлантириш, унинг экспорт салоҳиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган². Бу йўналишда селекция ва наслчилик ишининг самарали усулларида кенг фойдаланган ҳолда мамлакатимизнинг кескин ўзгарувчан ноқулай табиий иқлим шароитига чидамли, саноат корхоналари талабига жавоб берадиган янги зот ва насли

¹ www.worldatlas.com

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

дурагайларни яратиш, такрорий курт боқиш учун тут ипак курти тухумларини тайёрлаш, тухумларни совуткичларда сақлаш усулларини яратиш, уларнинг репродуктив ва пиллаларни маҳсулдорлик ҳамда технологик кўрсаткичларини яхшилашга оид илмий асосланган технология ҳамда услубиётларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2856-сон ҳамда 2018 йил 12 январдаги «Республикада ипакчилик саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3472-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «2017-2021 йилларда пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 616-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлашда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда такрорий ипак курти боқиш учун саноат дурагайларини яратиш, пилланинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини ошириш, такрорий курт боқишни ташкил қилиш ва курт боқишда учрайдиган турли хил касалликларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш борасида О.И.Бобохонов, Ф.Н.Мамедов, Н.Г.Багаутдинов, К.Н.Яраславцев, С.К.Тошпўлатов, У.Н.Насириллаев, С.С.Леженко, Ш.Р.Умаров, А.Б.Якубов, Е.А.Ларькиналар томонидан кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилган.

Шунингдек, пиллачиликда илғор давлатлар олимлари Н.А.Anuradha, G.K.Srinivasa Babu, R.A.Ananda, N.A.Begum, H.K.Basavaraja, M.Rekha, M.M.Ahsan, N.Suresh Kumar, Harjeet Singh, G.V.Kalpana, B.N.Gowda, S.B.Dandin, D.M.Adigezalova, T.F.Iskandarov, M.Satorova, J.Marupov, S.Salimjonov, I.Gujabidze, N.Baramidze, M.Khutsishvili, Z.Tskaruashviliлар томонидан ипак курти тухумларини эмбрион босқичида ноқулай шароитга чидамлилигини аниқлаш, поливольтин ва бивольтин зотларидан фойдаланиб иссиққа чидамли дурагайларни яратиш, ипак куртининг оксил генларига иссиқ ҳароратни ва биоэкологик омиллар таъсири ҳамда биологик фаол моддаларнинг ипак курти ва пилланинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини оширишга оид илмий тадқиқотлар олиб бориб, ижобий натижаларга эришганлар.

Республикаимизда такрорий ипак курти боқишга чидамли дурагайларни яратиш, барг тўйимлилигини турли биологик қўшимчалар билан ошириш орқали пилла маҳсулдорлигини яхшилашга қаратилган бир қатор илмий

изланишлар олиб борилган, лекин ёз ва куз мавсумларида насли уруғчилик станцияларида такрорий курт боқишга чидамли зотларни танлаш, уларни репродуктив, пилланинг маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичларини саноат корхоналари талаблари даражасига олиб чиқиш, тайёрланган ипак курти тухумларини муайян ҳароратда сақлаб туриш борасида илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган. Юқоридаги муаммоларга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ипакчилик илмий-тадқиқот институти илмий ишлар режасининг ҚХА-8-030 рақамли «Ипак курти зотларини наслдорлик ва маҳсулдорлик потенциали юқори селекцион оилалари генотипларини сақлаб қолиш, кўпайтириш ва ипак курти наслчилик станцияларининг оилалар питомниги босқичида ва суперэлита тухумларини тайёрлашда қўлланиш усулини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёз ва куз мавсумининг кескин ўзгарувчан, ноқулай табиий иқлим шароитига мос зотларни танлаш, ипак курти зотларининг репродуктив, пилланинг маҳсулдорлик ва технологик кўрсаткичларини яхшилашга оид технологияларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тут ипак куртининг ёз ва куз мавсумлари учун зотларини аниқлаш;
такрорий курт боқиш жараёнида ипак куртига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

«Олиговит» препаратини такрорий курт боқишда биологик ва технологик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

экзоген аминокислоталарни насли куртлар ҳаётчанлиги ва маҳсулдорлигига таъсирини аниқлаш;

такрорий курт боқиш учун тайёрланган уруғларни сақлаш муддатларини аниқлаш;

такрорий курт боқиш учун уруғ тайёрлашнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тут ипак куртининг *Bombyx mori L.* турига мансуб зот, тизим ва насли дурагайлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети такрорий курт боқиш учун мос зотларни танлаш, такрорий курт боқишда биологик фаол моддалардан фойдаланиб зот ва тизимларнинг асосий биологик, репродуктив ва технологик хусусиятларини яхшилашнинг янги самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳамда ипак курти тухумларини кейинги йил такрорий мавсумгача сақлашнинг оптимал муддатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишини бажаришда тут ипак куртининг такрорий боқишдаги агротехник усуллари, уруғларни сунъий

диапаузадан чиқариш, насли кўртларни турли биологик фаол моддалар билан парваришlash ва олинган натижаларни биологик, статистика усуллари билан қайта ишлаш ҳамда «Тут ипак кўрти наслчилик ишининг асосий услубий қоидалари» услубиётларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тут ипак кўртини такрорий боқиш учун мос зот ва тизимлари танланган;

ёз ва куз фаслларида ипак кўртининг хўжалик белгилари ва наслдорлик хусусиятларига таъсир этувчи омиллар аниқланган;

такрорий кўрт боқиш учун танланган зотларнинг генетик потенциалини тўлиқ намоён қилишда «Олиговит» витамин ва микроэлементлар комплексидан фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

насли кўртларнинг маҳсулдорлигини оширишда илк бор экзоген лизин ва метионин аминокислоталари таъсири илмий асосланган;

ёз мавсуми учун тайёрланган уруғларни сақлашнинг оптимал муддатларини, кўртларнинг эмбрионал ҳаётчанлигига таъсири аниқланган;

такрорий боқиш учун ипак кўрти уруғларини тайёрлаш ва уларни сақлашнинг самарали услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

наслчилик ва уруғчилик корхоналарида насли кўртларни такрорий кўрт боқиш ҳамда уруғ тайёрлашнинг самарасини оширишга йўналтирилган комплекс тадбирларини ўз ичига олган «Такрорий ипак кўрти боқиш учун уруғ тайёрлаш ва сақлашнинг такомиллаштирилган услубиёти» ишлаб чиқилган;

такрорий кўрт боқишда насли пилла миқдори ва улардан уруғ чиқиш фоизини оширилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда лаборатория ва ишлаб чиқариш тажрибаларини кўрт боқиш ва пилла етиштириш бўйича умумқабул қилинган услублар асосида олиб борилганлиги, илмий натижалар ҳамда бирламчи ҳужжатлар Ипакчилик илмий тадқиқот институти ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, олинган натижаларнинг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, илмий натижаларни етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган илмий натижаларни давлат амалий лойиҳаси доирасида олинганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижаларининг ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти такрорий кўрт боқишга мос зотларни танлаш, ёз ва куз фаслларида ипак кўртига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, биологик фаол моддалар ва экзоген аминокислоталарни насли кўртларга ижобий таъсирини аниқлаш ҳамда такрорий кўрт боқиш учун

тайёрланган уруғларни сақлашнинг оптимал муддатларини аниқлаш бўйича олинган маълумотлар тут ипак қурти наслчилиги ва уруғчилиги назариясининг илмий жиҳатдан янада бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот иши натижасида ишлаб чиқилган «Такрорий ипак қурти боқиш учун уруғ тайёрлаш ва сақлашнинг такомиллаштирилган услубиёти» номли услубий қўлланма ипак қурти наслчилик корхоналарининг оилалар питомниги, суперэлита ва элита босқичида насли уруғлар тайёрлаш жараёнининг самарасини оширишга, шунингдек республикада такрорий қурт боқиш учун юқори сифатли наслдор элита уруғлар ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тут ипак қуртининг такрорий боқиш учун насли уруғларини тайёрлаш ва сақлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

уруғчилик корхоналарида уруғ тайёрлаш ва унинг сифатини ошириш бўйича «Такрорий ипак қурти боқиш учун уруғ тайёрлаш ва сақлашнинг такомиллаштирилган услубиёти» услубий қўлланмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-46/1-сон маълумотномаси). Натижада 40 қути парваришланган ипак қуртининг 1 қути қурт ҳисобидан 5,9-6,8 кг дан қўшимча насли пилла ҳосили ва ундан мос равишда 3,0-3,6 қутидан қўшимча элита уруғлари тайёрлашга эришилган, иқтисодий самарадорлик 300000-432000 сўмни ташкил этган;

ёз мавсумида тўйимлилиги пасайган тут барглари аминокислоталар билан бойитилиб ипак қуртиларини парваришлаш усули «Андижон насли ипак қурти уруғи тайёрлов» МЧЖ да «Гўзал» ва «Марварид» зотларининг жами 30 қути ҳажмда жорий этилган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-46/1-сон маълумотномаси). Натижада бир қути қуртдан 7,3-8,0 кг қўшимча насли пилла ҳосили олиниб, улардан 3,9-4,1 қути элита уруғлари тайёрланган ва иқтисодий самарадорлик 431000-487000 сўмга ошишига эришилган;

насли уруғчилик корхоналарида тайёрланган жами 30 қути элита уруғлари Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз «КЕШ ТОНГИ» уруғчилик корхонасида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2019 йил 22 январдаги 01/032-46/1-сон маълумотномаси). Натижада элита уруғларидан ҳар бир қути қурт ҳисобидан ўртача 5,6 кг дан қўшимча насли пилла ҳосили олиниб, 2,6 қутидан қўшимча саноат дурагай уруғлари олиниб, иқтисодий самарадорлик 232000 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та патент олинган ва 1 та услубий қўлланма ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, ишнинг мақсад ва вазифалари баён қилинган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Бажарилган ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларни амалиётга жорий қилиниши очиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Адабиётлар шарҳи» деб номланган биринчи боби тўртта бўлимдан иборати бўлиб, ёз-куз фаслининг ипак қурти ва ҳайвонлар наслдорлик хусусиятларига таъсири, озукани турли биологик фаол моддалар билан бойитишнинг ва тут навларини ипак қурти наслдорлик, маҳсулдорлик хусусиятларини намоён бўлишидаги роли ҳамда такрорий қурт боқиш учун уруғ тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, шу билан бирга озукани тури ва сифатини ипак қуртининг турли даврларида парваришlashдаги аҳамиятига оид хориж ва маҳаллий тадқиқотчилар олиб борган илмий изланишлари натижалари маълумотлар шарҳи келтирилган. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, такрорий қурт боқишда айрим биологик фаол моддалардан фойдаланиб кўрилган, аммо, ипакчиликка оид адабиётларда ёз ва куз мавсуми учун уруғ тайёрлаш ва репродуктив белгилар бўйича айнан бундай илмий натижаларнинг ўрганилганлик даражаси нисбатан камроқ учрайди. Шунингдек, такрорий қурт боқиш учун зотларнинг наслдорлик белгилари кўрсаткичларини ошириш, хусусан, тухум қўймасидаги тухумлар сони ва вазнининг юқори даражада бўлишини таъминлашга қаратилган илмий изланишлар амалга оширилмаган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материали ва услубиётлари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот жойи, объекти ва услублари баён этилган. Тажрибалар 2008-2016 йиллар давомида Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг «Тут ипак қурти наслчилиги» лабораториясида ўтказилган. Диссертация мавзуси бўйича ўтказилган асосий тажрибалар районлаштирилган Орзу, Юлдуз, Гўзал, Марварид, Асака, Марҳамат, Гулшан, Нафис зотлари ва Линия 27, Линия 28 селекцион тизимларида

ўтказилди. Тажрибаларда мавжуд услубиётлар ва тадқиқот иши давомида ишлаб чиқилган турли услубиётлардан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Такрорий қурт боқишда зот ва тизимларни ҳамда ташқи муҳитнинг аҳамияти**» деб номланган учинчи бобида ёзги ва кузги мавсумларда тут ипак қуртига таъсир этувчи омиллар ва такрорий қурт боқиш учун мос зотлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Такрорий қурт боқиш жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан парваришланадиган зотлар ва улар иштирокидаги F_1 саноат дурагайларининг таркибига боғлиқ. Айрим зот ва тизимлар ёзги иссиқ, қуруқ шароитга ҳамда ейилиши ва ҳазм бўлиши анча оғир озуқага мослашуви, чидамлилиги юқорироқ бўлса, айримлари эса чидамсиз бўлади. Охириги йилларда Республикамизда босқичма-босқич 2-3 марта қурт боқишга ўтиш режалаштирилаётганлиги, бизни ёз ва куз мавсумларида юқори ҳаётчанлик, маҳсулдорлик ва пуштдорлик хусусиятларини намоён этувчи зот ва тизимларни аниқлаш ва танлашга ундади. Такрорий қурт боқиш учун мос зот ва тизимларни аниқлашга йўналтирилган тажрибаларимизни 2008-2010 йиллар давомида ёз ва куз фаслларида алоҳида-алоҳида ўтказдик. Ҳар бир зот, тизим ва насли дурагайларнинг қуртлар ҳаётчанлиги, пилла маҳсулдорлиги ва пуштдорлик белгилари қиёсий ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Районлаштирилган зотлар ҳамда насли дурагайлар ва янги селекцион тизимлар қуртларининг ёз-кузги мавсумдаги ҳаётчанлиги

Зот, насли дурагай ва селекцион тизимлар	Қуртлар ҳаётчанлиги, %							
	2008 й.		2009 й.		2010 й.		$\bar{X} \pm S \bar{x}$	
	ёз	куз	ёз	куз	ёз	куз	ёз	куз
Орзу	83,8	69,8	84,9	72,2	83,8	70,7	84,2±0,70	70,9±0,70
Юлдуз	87,9	70,4	90,8	73,5	84,8	69,3	87,8±1,73	71,1±1,26
Гўзал	88,6	71,6	87,5	73,6	89,1	74,0	88,4±0,47	73,1±0,74
Марварид	90,4	70,7	86,8	71,3	87,6	69,8	88,3±1,09	70,6±0,43
Гулшан	86,0	70,2	85,5	69,8	87,8	69,8	85,4±0,35	69,9±0,13
Нафис	85,6	70,2	83,8	69,6	84,4	69,4	84,6±0,53	69,7±0,24
Асака	83,3	68,2	84,8	69,1	82,9	67,8	83,7±0,58	68,4±0,39
Марҳамат	84,9	71,1	84,1	70,9	83,8	70,0	84,3±0,33	70,7±0,34
Орзу х Асака	90,9	71,5	90,4	73,0	88,4	72,1	89,9±0,76	72,2±0,44
Юлдуз х Марҳамат	88,3	72,1	89,3	71,8	87,4	71,4	88,3±0,55	71,8±0,20
21-тизим	80,0	67,3	77,4	65,3	76,6	66,5	78,0±1,03	66,4±0,58
22-тизим	80,3	67,3	79,5	66,5	79,3	65,8	79,7±0,31	66,5±0,43
43-тизим	81,0	67,1	78,3	66,4	79,1	65,3	79,5±0,80	66,3±0,53
44-тизим	79,0	66,5	75,5	64,4	76,9	65,1	77,1±1,02	65,3±0,62

1-жадвалдаги маълумотларда ўрганилган 8 та зот, 2 та насли дурагай ва 4 та тизимларнинг ёзги ва кузги қурт боқиш мавсумининг турли таъсирларига бўлган жавоб реакцияси турлича экани кўриниб турибди. Уч йиллик ўртача кўрсаткичлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, ёз мавсуми

натижаларининг бир-бирига яқин бўлган юқори, ўрта ва нисбатан пастроқ бўлган 3 та гуруҳга ажратиш мумкин. Юлдуз, Гўзал, Марварид зотлари ҳамда Орзу х Асака ва Юлдуз х Марҳамат насли дурагайлари юқори ҳаётчанликка 87,8-89,9 % га эга бўлган бўлса, Орзу, Гулшан, Нафис, Асака ва Марҳамат зотлари қуртларининг ҳаётчанлиги ўртача 83,7-85,4 % ни ташкил этди. Селекцион тизимларнинг тўртталасида ҳам қуртларнинг ҳаётчанлиги нисбатан пастроқ, яъни, 77,1-79,7 % даражасида бўлди. Шу билан бирга пилланинг ўртача вазни барча зотларда юқори, яъни, 1,81-1,96 г ни ташкил этди. Асака ва Марҳамат зотларида эса бу кўрсаткич 1,69-1,73 г га тенг бўлди.

2008-2010 йиллар давомида зотларнинг уч йил баҳорда парваришлаб аниқланган кўрсаткичларини ёзги такрорий қурт боқиш даврида олинган рақамлар билан таққослаб, ёзги мавсумда насли зотларнинг потенциали баҳорги даврга нисбатан қай даражада пасайиши аниқланди.

Олинган маълумотларнинг ўртача кўрсаткичларида барча зотлар бўйича деярли ҳар йили баҳорги мавсумда парваришланган ипак қуртларининг ҳаётчанлиги, ёзги мавсумда парваришланган ипак қуртларининг ҳаётчанлигидан сезиларли даражада юқори эканлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири, ёз мавсумида ҳароратнинг жуда юқори даражада бўлиши ва нисбий намликнинг анча пасайиб кетишидир. Барча зотларда уч йиллик ўртача кўрсаткичлар бўйича баҳор мавсумида қуртларнинг ҳаётчанлиги 2,3 % дан 7,8 % гача ёзги қуртлар ҳаётчанлигидан юқори бўлган. Ёз мавсумида ҳароратнинг юқори даражада бўлиши, намликнинг аксинча, пасайиб кетиши ва шу билан бирга тут барглари сувсизланиб, дағаллашиб қолиши ёз мавсумида зотларнинг генетик патенциалини намоён этишига турлича таъсир этган.

Диссертациянинг «**Ёз мавсумида насли қуртларни парваришлашда биологик фаол моддалардан фойдаланиш**» деб номланувчи тўртинчи боби такрорий қурт боқишда насли қуртларни парваришлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган. Ушбу тажрибаларда ёзги вегетацияда ҳосил бўлган тут барглари таркибида витамин ва микроэлементлар сақловчи биологик фаол моддалар билан бойитишни насли қуртлар ҳаётчанлиги, пилла маҳсулдорлиги ва энг муҳими, капалакларни пилладан чиқишига қай даражада таъсир кўрсатиши мумкинлиги аниқланган. Тажрибаларимизни икки йўналишда олиб бориш, бизнинг фикримизча, мақсадга мувофиқ эди, яъни, биринчи йўналишда «Олиговит» деб номланувчи витамин ва микроэлементлар комплексини насли қуртларга бериладиган тут баргига ишлов бериб уларни парваришлаш бўлса, иккинчи йўналишда экзоген аминокислоталардан (лизин ва метионин) фойдаланиш ҳисобланади. 2-жадвалда «Олиговит» препарати ёрдамида бойитилган тут барглари қуртларнинг ўсиш динамикасига таъсирини ўрганишга қаратилган тажриба маълумотлари келтирилган.

**Қуртларнинг ўсиш динамикасига «Олиговит» препаратининг таъсири
(2008-2010 й.й.)**

Зотлар	IV ёшдаги 1 дона қуртнинг ўртача вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, г	V ёшдаги 1 дона қуртнинг ўртача вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, г
Орзу тажриба	0,235±0,0070	1,158±0,0500
Орзу қиёсловчи	0,203±0,0200	0,977±0,0680
Қиёсловчига нисбатан, %%	115,8	118,5
Юлдуз тажриба	0,220±0,0110	1,140±0,0500
Юлдуз қиёсловчи	0,199±0,0120	0,927±0,0560
Қиёсловчига нисбатан, %%	110,6	123,0
Гўзал тажриба	0,221±0,0010	1,143±0,0010
Гўзал қиёсловчи	0,184±0,0110	0,918±0,0600
Қиёсловчига нисбатан, %%	120,1	124,5
Марварид тажриба	0,213±0,0120	1,115±0,0500
Марварид қиёсловчи	0,189±0,0120	0,931±0,0600
Қиёсловчига нисбатан, %%	112,7	119,8
Асака тажриба	0,182±0,0030	0,821±0,0300
Асака қиёсловчи	0,164±0,0100	0,646±0,0080
Қиёсловчига нисбатан, %%	111,0	127,1

2-жадвал маълумотларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, «Олиговит» препаратининг 0,2 % ли эритмаси ёрдамида тут баргларига ишлов берилиб, озиклантирилганда ўсиш динамикаси қуртларни IV ёшида ва V ёшида турлича бўлган. Хусусан, Гўзал ва Орзу зотларининг IV ёшдаги қуртларида қиёсловчига нисбатан 115,8-120,1 % га устунлиги кузатилган бўлиб, қолган Юлдуз, Марварид ва Асака зотларида эса 110,6-112,7 % ни ташкил этди. V ёшдаги қуртларнинг ўсиш динамикаси барча зотлар бўйича 118,5-127,1 % га тажриба вариантнинг қиёсловчига нисбатан устунлиги аниқланди. Ушбу «Олиговит» препаратининг 0,2 % ли эритмаси ёрдамида тут баргларига ишлов берилиб озиклантирилганда қуртлар ҳаётчанлигига, пилла маҳсулдорлик белгиларига ҳамда технологик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиши исботланди. Шунингдек, бизнинг тадқиқот ишимиз тут ипак қурти наслчилигига бағишланганлиги сабабли, биз ушбу етиштирилган пиллалар таркибида насли пиллалар улуши даражасини аниқлашга ҳаракат қилдик. Ҳар йили ёзги қурт боқишда «Олиговит» препаратининг 0,2 % ли эритмасида парваришлаб олинган пиллалар насли ва уруғ олишга яроқсиз пиллаларга ажратилди. Умумий пиллалар ичидан танлаб олинган ҳақиқий насли пиллалар улуши 3-жадвалда келтирилган.


**Ёзги мавсумда «Олиговит» препаратининг насли пиллалар
улушига таъсири (2008-2010 й.й.)**

Зотлар	Умумий пиллалар сони, дона	Насли пиллалар сони, дона	Насли пиллалар улуши $\bar{X} \pm S \bar{x}$, %	Pd
Орзу тажриба	573	401	68,5±3,32	0,952
Орзу қиёсловчи	472	283	56,4±3,30	-
Қиёсловчига нисбатан, %%	121,4	141,7	121,5	-
Юлдуз тажриба	577	429	72,1±2,57	0,898
Юлдуз қиёсловчи	543	362	64,3±3,03	-
Қиёсловчига нисбатан, %%	106,3	118,5	112,1	-
Гўзал тажриба	600	471	76,7±2,16	0,921
Гўзал қиёсловчи	533	382	69,9±2,22	-
Қиёсловчига нисбатан, %%	112,6	123,3	109,7	-
Марварид тажриба	457	331	72,8±1,30	0,979
Марварид қиёсловчи	428	268	63,0±2,72	-
Қиёсловчига нисбатан, %%	106,8	123,5	115,6	-
Асака тажриба	553	372	65,8±2,90	0,957
Асака қиёсловчи	495	280	53,9±3,32	-
Қиёсловчига нисбатан, %%	111,7	132,9	122,1	-

3-жадвалда келтирилган рақамларга биноан, ёзги даврда етиштирилган пиллалар ичида насли пиллалар улуши тажриба вариантыда 65,8-76,7 %; қиёсловчи вариантда эса 53,9-69,9 % ни ташкил этмоқда. Насли пиллаларнинг улуши, тажрибада иштирок этган зотлар орасида энг юқори кўрсаткич йирик пиллалари Гўзал, Марварид ва Юлдуз зотлари тажриба вариантыда кузатилди, яъни, Гўзал зотида 76,7 %; Марварид зотида 72,8 % ва Юлдуз зотида 72,1 % ни ташкил қилди. Орзу ва Асака зотлари ҳам ушбу белги бўйича яхши кўрсаткичга эга бўлди (68,5-65,8 %).

Такрорий курт боқиш мавсумида, одатда ноқулай шароит сабабли капалаклар кучсизланиб, пиллани тешиб чиқиш даражаси пасаяди, бу ўз навбатида уруғ миқдорини камайишига олиб келади. Ушбу ноҳуш ҳолатни бартараф этиш учун биз «Олиговит» препаратини қўллаб етиштирилган пиллалардан капалакларнинг чиқиш фоизини баҳор мавсумида кузатиладиган даражага, яъни 90,0-95,0 % бўлишига эришдик. Ушбу тажрибамизда иштирок этган зотлар орасида юқори кўрсаткич Асака, Орзу ва Гўзал зотлари тажриба вариантыда кузатилди, яъни, пилладан капалак чиқиши мос равишда 93,3-90,7 % ни ташкил қилди. Зотлар бўйича қиёсловчига нисбатан тажриба вариантыда пиллалардан капалак чиқиши 104,9-109,8 % га юқори бўлди (Pd=0,362-0,952).

Ёзги ўта нокулай шароитларда тут баргидаги оксил бирикмаларининг камайиши, қурт гемолимфасидаги аминокислоталар концентрациясини кескин пасайишини ҳисобга олиб, тадқиқотларимизда илк бор такрорий қурт боқишда экзоген аминокислоталардан фойдаланиш усулини, насли қуртлар парваришидаги самарасини тадқиқ этдик. Ушбу усулда парваришланган зотларнинг етакчи селекцион белгиларига лизин ва метионин экзоген аминокислоталарини таъсир даражасини аниқлаш учун тажрибадаги зотлар қуртларининг ўсиб-ривожланиши, қуртлар ҳаётчанлиги, пилла маҳсулдорлиги ва технологик кўрсаткичлари қиёсланувчи вариант натижалари билан таққослаб ўрганилди. Жумладан, қуртларнинг ҳаётчанлиги қиёсловчига нисбатан (абс.) Орзу, Гўзал, Марварид, Асака ва Марҳамат зотларида 8,1-12,3 % бўлди. Юлдуз зотида эса бир мунча пастроқ 3,6 % ни ташкил қилди. Аминокислоталар эритмаси билан ҳўлланган тут баргларида боқилган қуртлар ўраган пиллаларининг ўртача вазни 1-тажриба (1,0 % ли) вариантида зотлар бўйича 1,66-1,97 г бўлиб, қиёсловчига нисбатан айниқса, Гўзал ва Марҳамат зотларида мос равишда энг юқори кўрсаткич 135,3-121,2 %, қолган зотларда эса 112,0-117,0 % бўлди (1-расм).



1-расм. Пилланинг ўртача вазнига аминокислоталарнинг таъсири (2010-2016 й.й.)

Маълумки, насли уруғчилик станциялари ва уруғчилик корхоналарида 1 килограмм насли пилладан тайёрланадиган тухум миқдори ҳам катта иқтисодий аҳамиятга эга. Чунки, 1 кг насли пилладан олиннадиган тухум миқдори қанчалик кўп бўлса, тухумларнинг ишлаб чиқариш таннарҳи пасайиб, натижада иқтисодий самарадорлик ошади. Бунга, албатта, насли пиллалардан капалаклар чиқиш фоизи бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун мазкур тажрибаларимизда аминокислоталарни пилладан капалак чиқишига таъсири тадқиқ этилди (4-жадвал).

**Тут ипак қурти насли пиллалардан капалак чиқиш фоизи
(2010-2016 й.й.)**

Зот ва тизимлар	Тажриба вариантлари	Пиллалардан капалак чиқиш фоизи $\bar{X} \pm S \bar{x}$, %	Қиёсловчига нисбатан, %%	Pd
Орзу	Аминокислота 1,0 %	86,6±0,34	111,2	0,987
	Аминокислота 0,5 %	88,3±0,86	113,4	0,992
	Қиёсловчи	77,9±2,23	-	-
Юлдуз	Аминокислота 1,0 %	83,5±0,23	104,4	0,750
	Аминокислота 0,5 %	86,9±1,65	108,6	0,921
	Қиёсловчи	80,0±2,72	-	-
Гўзал	Аминокислота 1,0 %	86,3±1,26	105,4	0,868
	Аминокислота 0,5 %	90,2±2,02	110,1	0,966
	Қиёсловчи	81,9±1,96	-	-
Марварид	Аминокислота 1,0 %	90,9±0,28	121,8	0,999
	Аминокислота 0,5 %	86,0±4,54	115,3	0,910
	Қиёсловчи	74,6±2,95	-	-
Марҳамат	Аминокислота 1,0 %	86,3±1,36	114,9	0,999
	Аминокислота 0,5 %	85,8±0,73	114,2	0,999
	Қиёсловчи	75,1±0,86	-	-
Асака	Аминокислота 1,0 %	86,8±1,96	102,2	0,224
	Аминокислота 0,5 %	91,8±1,83	108,1	0,716
	Қиёсловчи	84,9±5,3	-	-
Гулшан	Аминокислота 0,5 %	92,7±0,80	100,4	0,294
	Қиёсловчи	92,3±0,62	-	-
Нафис	Аминокислота 0,5 %	87,7±0,57	106,4	0,999
	Қиёсловчи	82,4±0,28	-	-
Линия 27	Аминокислота 0,5 %	76,4±1,11	95,3	0,946
	Қиёсловчи	80,2±0,89	-	-
Линия 28	Аминокислота 0,5 %	97,6±0,17	110,5	0,999
	Қиёсловчи	88,3±0,56	-	-

4-жадвалда келтирилган маълумотлар ёз мавсумида тўйимлилиги пасайган тут барглари 2 хил тажриба вариантда аминокислоталарнинг 1,0 % ва 0,5 % ли эритмалари ёрдамида бойитилиб, қуртларга берилиши натижасида олинган пиллалардан капалакларнинг чиқиш фоизи қиёсловчи вариант натижаларидан юқори бўлганини кўрсатиб турибди. Пиллалардан капалаклар чиқиши зотлар бўйича 1-тажриба (1,0 % ли) вариантыда 83,5-90,9 %; 2-тажриба (0,5 % ли) вариантыда 76,4-97,6 %; қиёсловчи вариантда эса 74,6-92,3 % ни ташкил этди. Тажриба вариантларининг қиёсловчидан устунлиги 1-тажриба (1,0 % ли) вариантыда 102,2-121,8 % ни, 2-тажриба (0,5

% ли) вариантида эса зотлар бўйича 100,4-115,3 % ни ташкил қилди. Демак, такрорий қурт боқиш учун энг катта муаммо – насли пиллалардан капалаклар чиқиши даражасини ошириш ва уруғ тайёрлаш ҳажмларини кўпайтиришда биологик фаол моддалар катта самара бериши исботланди.

Диссертациянинг «**Ипак қуртининг такрорий қурт боқиш учун насли уруғларини тайёрлаш ва сақлаш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобида тут ипак қуртининг такрорий боқиш учун тайёрланган уруғларини сақлашнинг оптимал муддатлари аниқланган.

Одатда баҳорги қурт боқиш учун тайёрланган уруғлар 6 ойлик эстивация ва 3-4 ойлик қишлоқ даврини ўтайди. Эстивация бошланиши июнь ойларига тўғри келиб, ҳаво ҳарорати 25⁰С даражасида сақланади. Шу ҳарорат сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигигача сақланади ва шундан кейин 21⁰С га пасайтирилади. Ноябрь ойининг бошларида 16-17⁰С га ва 1 декабрдан +3...+4⁰С га туширилади. Шу ҳолатда 90-120 кун қишлоқ даврида ҳарорат +3...+4⁰С дан ошмайди. Такрорий қурт боқиш учун уруғ тайёрлаш технологиясига тўхталадиган бўлсак, ҳозирги даврда илмий-тадқиқот ишлари учун ва хориж уруғчилик корхоналарида кенг қўлланиб келинаётган янги пигментацияланмаган тухумларга 1,12 солиштирама оғирликдаги HCl кислотасини 30⁰С ҳароратда 8 дақиқа давомида таъсир эттириш кенг қўлланиб келинмоқда. Бу усулни тухумда диапаузани сунъий тўхтатиш усули дейилади. Мазкур диссертация ишида такрорий қурт боқиш учун уруғ тайёрлаш ва уларни сақлаш бўйича вазифалар қўйилган. Ушбу муаммони ечимда Ўзбекистон шароитида иккинчи қурт боқиш, ёзнинг энг иссиқ даврига тўғри келишини ҳамда кузги қурт боқиш учун уруғ тайёрлаш муддатларини ҳисобга олиш зарур. Чунки июль ойи учун уруғ тайёрланганда, уларни ота-оналик зотларида папильонаж июнь ойининг охириги ўн кунлигига тўғри келади. Ўша захоти сунъий диапаузадан чиқарилган уруғларни инкубацияга қўйиш талаб этилади. Чунки HCl кислотаси билан ишлов берилган уруғлар қанча кўп совуткичда сақланса, уларни жонланиш даражаси пасайиб бориши аниқланган. Лекин ушбу муддатни босқичма-босқич, насли пиллаларни ва диапаузадан чиқарилган уруғларни турли гигротермик режимда сақлаш асосида қурт боқиш учун мақбул муддатларгача сақлаш имкони мавжуд.

Биз насли пиллаларни ва улардан олинган уруғларни сақланиш муддатларини узайтиришни ҳамда унинг чегарасини, олиб борган изланишларимизда илмий асослашга ҳаракат қилдик. Ушбу йўналишдаги тажриба натижалари асосан турли муддатларда сақланган насли пиллалардан капалаклар чиқиши ва папильонаж ҳамда уруғлар жонланиш фоизи кўрсаткичларини таҳлилига бағишланди. Маълумки, ипак қурти пилла ўрагач, ғумбакка айланади ва бу давр оптимал ҳарорат шароитида 10-14 кунни ташкил этади. Агар ҳарорат кўтарилиб кетса, капалаклар чиқиши тезлашади. Аксинча, паст ҳароратда ғумбакдан капалак чиқиши 20 кунгача чўзилиши ҳам мумкин. Биз ушбу ҳолатдан такрорий қурт боқиш учун насли

пиллаларни қанча муддат совуткичда сақлаш мумкинлигини аниқладик. 5-жадвалда йирик пиллали Гўзал ва Марварид зотларининг совуткичда сақланган пиллаларидан капалак чиқиш фоизи тўғрисида маълумотлар келтирилган.

5-жадвал

Турли муддатларда совуткичда сақланган насли пиллалардан капалак чиқиш фоизи (2011-2013 й.й.)

Зотларнинг номи	Пиллаларни совуткичда сақлаш муддатлари	Пиллалардан капалак чиқиш фоизи, %			$\bar{X} \pm S \bar{x}$, %
		2011 й.	2012 й.	2013 й.	
Гўзал	Қиёсловчи	93,3	92,6	94,6	93,5±0,59
	10 кун сақланган	85,1	80,5	92,0	85,9±3,34
	15 кун сақланган	75,9	74,8	83,3	78,0±2,67
	20 кун сақланган	67,3	77,4	78,6	74,4±3,58
Марварид	Қиёсловчи	92,2	91,7	92,6	92,2±0,26
	10 кун сақланган	82,4	86,3	82,1	83,6±1,35
	15 кун сақланган	78,0	72,3	74,5	74,9±1,66
	20 кун сақланган	68,3	67,5	66,3	67,4±0,58

5-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, насли пиллаларни турли муддатларда совуткичда сақлаб, сўнгра папильонажга қўйилганда совуткичда қанча узоқ сақланишига қараб улардан капалакларнинг чиқиш фоизи пасайиб кетганлигини гувоҳи бўламиз. Жумладан, тажрибада иштирок этган иккала зотнинг қиёсловчи вариантыда, яъни, насли пиллалари совуткичда сақланмаган вариантда капалакларнинг чиқиш фоизи юқори бўлиб, 92,2-93,5 % ни ташкил этди.

Насли пиллаларни 10 кун мобайнида совуткичда сақлаганимизда капалакларнинг чиқиши 83,6-85,9 %; 15 кун сақлаган вариантимизда эса 74,9-78,0 % ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич 67,4-74,4 % пиллаларни 20 кун муддатда совуткичларда сақлаган вариантимизда кузатилди.

Тажрибаларимиз давомида, ушбу 3 хил муддатда совуткичда сақланган пиллалар папильонажга қўйилди. Сўнгра улардан олинган тухум қўймалари аралашмаси HCl кислотасида ишлов берилгач, беш хил вариант ташкил қилинди. Биринчи вариантдаги уруғлар дарҳол инкубацияга қўйилиб, қолган вариантлар уруғлари тўрт хил муддатда совуткичда +2...+5⁰С да сақланди. Сўнгра белгиланган муддат ўтгандан кейин уруғлар инкубацияга қўйилиб, жонланиш фоизи аниқланди. Инкубация давомида ҳарорат +24...+25⁰С да ва ҳаво нисбий намлиги 70-75 % да бўлиши таъминланди. Барча вариантлар бўйича қуртларнинг жонланиш фоизи аниқланди (6-жадвал).

Наслли пилла ва улардан олинган уруғларни ҳар хил вариантларда совуткичда сақлаш муддатларини уруғлар жонланиш фоизига таъсири (2011-2013 й.й.)

Пиллаларни совуткичда сақлаш вариантлари	НСI да диапаузадан чиқарилган уруғларнинг совуткичларда сақлаш вариантлари				
	совуткичда сақланмаган	5 кун сақланган	10 кун сақланган	15 кун сақланган	20 кун сақланган
	Уруғларнинг жонланиш фоизи, %				
Марварид зоти					
Қиёсловчи	97,6±0,26	96,9±0,07	95,3±0,43	94,3±0,49	93,7±3,70
10 кун сақланган	97,5±0,26	96,7±0,12	95,2±0,26	94,3±0,31	93,6±0,52
15 кун сақланган	95,6±0,30	94,9±0,14	94,1±0,24	88,5±0,62	79,2±1,75
20 кун сақланган	85,3±0,39	81,2±0,25	71,8±0,26	67,0±1,90	58,9±0,49
Гўзал зоти					
Қиёсловчи	96,9±0,23	95,6±0,24	94,8±0,18	94,3±0,49	92,4±0,51
10 кун сақланган	95,5±0,35	95,0±0,29	94,3±0,46	93,7±0,28	91,0±0,12
15 кун сақланган	93,7±0,35	93,5±0,29	90,9±0,05	90,2±0,05	81,7±0,87
20 кун сақланган	82,1±0,074	77,0±0,41	72,9±0,80	70,6±0,62	59,6±1,64


6-жадвалда келтирилган маълумотлар қиёсловчи ва пиллалар совуткичда 10 кун сақланган вариантларнинг тўрт хил муддатда уруғларни сақлаш бўйича вариантларида жонланиш фоизи ишлаб чиқаришда талаб этиладиган меъёрларга тўлиқ жавоб беришини тасдиқлайди. Демак, тадқиқот натижаларидан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, баҳорги мавсумда етиштирилган пиллаларни ва улардан олинган уруғларни такрорий қурт боқиш мавсумигача совуткичларда 1 ойгача сақланганда 90,0 % кам бўлмаган жонланиш фоизига эга бўлишимиз мумкин.

Таҷрибаларимизнинг кейинги босқичида ипак қуртларини парваришлаш ишлари 20-25 июлдан бошланиб, 20-25 августгача давом эттирилди. Қурт боқиш ниҳоясида Гўзал ва Марварид зотларининг наслли пиллалари сараланиб, улардан тухум қўймалари аралашмаси тайёрланди. Сўнгра ҳар бир зотнинг капалаклари ташлаган тухум қўймаси аралашмаларидан 4 та вариант ташкил қилиниб, ўрнатилган гигротермик шароитда эстивацияга қўйилди. Ушбу ташкил этилган тухум қўймалари вариантларини қуйидаги 4 хил муддатда қишлоқ даврини ўташи учун совуткичларга киритилди. Қуйидаги 7-жадвалда турли муддатларда қишлоқга қўйилган уруғларни кейинги йил ёз мавсумидаги жонланиш фоизи келтирилган.

**Турли муддатларда қишловга қўйилган уруғларнинг кейинги йил
ёз мавсумидаги жонланиш фоизи кўрсаткичлари**

Зотларнинг номи	Тажриба ўтказилган йиллар	Уруғлар декабрь ойида қишловга қўйилган	Уруғлар январь ойида қишловга қўйилган	Уруғлар февраль ойида қишловга қўйилган	Уруғлар март ойида қишловга қўйилган
		Уруғларнинг жонланиш фоизи, %			
Гўзал	2011 й	85,8±0,88	89,5±0,28	95,0±0,28	90,0±0,76
	2012 й	82,7±0,93	87,2±0,73	94,3±0,44	90,3±0,44
	2013 й	83,9±0,58	90,4±0,46	96,9±0,48	90,5±0,35
	Ўртача	84,1	89,0	95,4	90,3
Марварид	2011 й	85,7±0,60	88,3±0,60	94,3±0,60	89,8±0,33
	2012 й	80,3±0,44	84,8±0,90	95,5±0,29	90,0±0,58
	2013 й	83,3±0,14	90,9±0,35	96,4±0,47	91,3±0,35
	Ўртача	83,1	88,0	95,4	90,4

7-жадвалдаги келтирилган уч йиллик маълумотларнинг ўртача кўрсаткичлари орасида энг юқори жонланиш фоизи ҳар иккала зот бўйича бир хил 95,4 %, яъни, уруғлар февраль ойида қишловга қўйилган 3-вариантда кузатилди ва шу муддат такрорий қурт боқиш учун тайёрланган уруғларни сақлашнинг энг оптимал муддатлари ҳисобланади.



2-расм. Ёз мавсумида тайёрланиб 4 хил муддатда эстивация ва қишловга қўйилган тухумларни кейинги йил ёз мавсумида жонланиши, % (2011-2013 й.й.)

Такрорий қурт боқиш учун уруғ тайёрлашнинг такомиллаштирилган усулининг иқтисодий самарадорлиги ўртача 300000-487000 сўмни ташкил қилиб, ушбу усулни республикамиздаги наслчилик корхоналарига тавсия этиш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

1. Таҷрибаларда иштирок этган Орзу, Юлдуз, Гўзал, Марварид, Асака, Марҳамат, Гулшан, Нафис зотлари 21-тизим, 22-тизим, 43-тизим, 44-тизим, Линия 27 ва Линия 28 янги селекцион тизимлари ҳамда Орзу х Асака, Юлдуз х Марҳамат насли дурагайлар ичида Юлдуз, Марварид, Гўзал зотлари ва Орзу х Асака, Юлдуз х Марҳамат насли дурагайларни такрорӣ қурт боқиш учун мослиги исботланди.

2. Насли қуртларни «Олиговит» витамин ва микроэлементлар комплекси ёрдамида бойитилган барглар билан парваришlash усули қуртларни V ёшдаги ўсиш динамикасини 147,1 % гача ошириши мумкинлигини исботлайди.

3. «Олиговит» витамин ва микроэлементлар комплексидан такрорӣ қурт боқиш мавсумида насли қуртларни парваришlashда фойдаланиш, соғлом қуртлар бош сонини сақлаб қолишни 83,7-88,3 % га, пилла вазнини 2,06 г гача, пиллалар ипакчанлигини 21,8 % гача ошириши ушбу препаратдан биостимулятор сифатида фойдаланиш учун асос бўлади.

4. Лизин ва метионин экзоген аминокислоталари ёзги мавсумда тут баргидаги оксил етишмовчилигини компенсация қилиши мумкинлиги исботланди.

5. «Олиговит» препарати ва экзоген аминокислоталар иштирокида такрорӣ қурт боқиш мавсумида насли пиллалар чиқишини 141,7 % гача ошириш, ёзги насли уруғ тайёрлаш технологияси самарасини оширишга кенг имконият яратади.

6. Янги биологик фаол моддалар билан тут баргини бойитилиши, насли пиллалардан капалаклар чиқиш фоизини (91,9 %) баҳорги даражага етказиши мумкинлиги исботланди.

7. Баҳорги мавсумда етиштирилган пиллаларни ва улардан олинган уруғларни такрорӣ қурт боқиш мавсумигача имкон қадар совуткичларда сақлаб туришнинг оптимал варианты сифатида 1 ойгача сақланганда 90,0 % дан кам бўлмаган жонланиш фоизига эга бўлишимиз исботланди.

8. Такрорӣ мавсумда тайёрланган ипак қурти уруғларини кейинги йил такрорӣ мавсумгача сақлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларимизда ижобий натижаларга эришилди. Ёзда тайёрланган уруғларни 150 кун эстивацияга ва 150 кун қишлоғга қўйилганда, тухумлардан қуртларни жонланиб чиқиши 95,4 % ни, 180 кун эстивацияга ва 120 кун қишлоғга қўйилганда эса тухумлардан қуртларни жонланиб чиқиши 90,3-90,4 % ни ташкил қилди. Ишлаб чиқариш шароитида уруғларнинг жонланиш фоизига қўйиладиган талаб 90,0 % дан кам бўлмаслигини инобатга олган ҳолда, ушбу иккала вариант бўйича уруғларни келгуси йил такрорӣ мавсумгача сақлашни тавсия қиламиз.

9. Насли қуртларни парваришlashда «Олиговит» витамин ва микроэлементлар комплексидан фойдаланиш натижасида, 1 қурт қурт

ҳисобидан қиёсловчига нисбатан 5,9-6,8 кг дан қўшимча насли пилла ҳосили ва ундан мос равишда 3,0-3,6 қутидан қўшимча элита уруғлари тайёрланди. Тут барглари «Олиговит» билан бойитиш усулини жорий қилиниши ҳисобига иқтисодий самарадорлик 300000-432000 сўм, соф фойда 45600-68400 сўмни ташкил этди. Рентабеллик даражаси 19,0-20,0 % га кўтарилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.30.08.2018.Qx.13.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ШЕЛКОВОДСТВА

ЖУМАНИЁЗОВ МАНСУРБЕК ШОМУРОТОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИГОТОВЛЕНИЯ И
ХРАНЕНИЯ ПЛЕМЕННОЙ ГРЕНЫ ДЛЯ ПОВТОРНЫХ ВЫКОРМОК
ТУТОВОГО ШЕЛКОПРЯДА *BOMBUX MORI L.***

06.02.04 - Шелководство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.PhD/Qx253.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте шелководства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу (www.agrar.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Умаров Шавкат Рамазанович

доктор сельскохозяйственных наук, с.н.с.

Официальные оппоненты:

Якубов Ахматжон Бакиевич

доктор биологических наук, профессор

Наврузов Собир

кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация:

**Научно-исследовательском институте
животноводства и птицеводства**

Защита диссертации состоится «12» 04. 2019 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.30.08.2018.Qx.13.02 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz Актовый зал, 1-этаж, Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано за №537929). Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. ИРЦ 1-этаж Тел./Факс (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан «30» 03. 2019 г.

(Реестр протокола рассылки №6 от «28» февраля 2019 г.)

К.Ж.Шакиров

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.

У.Т.Данияров

Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, к.с.х.н.,
доцент

М.И.Аширов

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире заготавливается 850-860 тысяч тонн шелка-сырца. «...в более 20 государствах, в которых развито шелководства, приготавливаются суперэлитные, элитные и промышленные грены тутового шелкопряда. Из производимых грен тутового шелкопряда 80,1 % приходится на долю Китайской Народной Республики, 12,6 % Индии, 1,3 % Республики Узбекистан, а остальные 6,0 % приходится на долю других стран»¹. В Китайской Народной Республике, считающейся авангардом в отрасли шелководства, ежегодно заготавливается 200,7 тысяч коробок, в Индии 32,6 тысяч коробок и в Узбекистане 7,0-8,0 тысяч коробок суперэлитной и элитной грены тутового шелкопряда.

В мировом масштабе проводятся научно-исследовательские работы, направленные на обоснование новых интенсивных технологий и методик повторных выкормок тутового шелкопряда для летних и осенних сезонов. В этом отношении, были достигнуты определенные успехи по созданию высокопродуктивных пород и гибридов тутового шелкопряда, подходящих к летним и осенним сезонам, компенсации действия неблагоприятных паратипических факторов, использованию различных антисептиков при выращивании пород шелкопряда и результаты широко внедрены в практику шелководства. Создание племенных гибридов при участии новых моновольтинных пород, выносливых для повторного выращивания тутового шелкопряда в летние и осенние сезоны, определение оптимальных сроков хранения грены для повторного сезона, разработка эффективных методов реализации генетического потенциала генотипов по признакам репродукции и продуктивности коконов являются актуальными научно-практическими проблемами.

В республике достигаются определенные результаты по созданию выносливых промышленных гибридов тутового шелкопряда для повторных выкормок в летний и осенний сезон. Вместе с этим, не было уделено должного внимания на научные исследования в направлении создания пород тутового шелкопряда, устойчивых резкоизменяющимся, не благоприятным климатическим условиям летнего и осеннего сезонов, разработку и внедрение новых агротехнологий, повышающих продуктивность и технологические свойства коконов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах обращено отдельное внимание на развитие сельского хозяйства, в частности, отрасли шелководства, где предусмотрено повышение эффективности и экспортного потенциала². Широкое проведение научно-исследовательских работ в этом направлении по разработке и внедрению научно-обоснованных технологий и методик селекции и племенной работы тутового шелкопряда, создание новых

¹ www.worldatlas.com

² ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

пород и племенных гибридов, устойчивых к резкоизменяющимся неблагоприятным климатическим условиям страны, отвечающих требованиям промышленных предприятий, приготовление грены тутового шелкопряда для повторного выращивания, разработка методов хранения грены и повышения репродуктивных, продуктивных и технологических признаков коконов имеет важное научно-практическое значение. Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года за №ПК-2856 «О мерах по организации деятельности Ассоциации «Узбекипаксаноат» и от 12 января 2018 года за №ПК-3472 «О мерах по дальнейшему развитию шелковой отрасли в Республике» и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 августа 2017 года за №616 «О программе мер по комплексному развитию отрасли шелководства в 2017-2021 годах».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики. V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

